

Касбдошлар ҳаётидан лавхалар

Муяссар Балтабаева

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
«Миллий библиография маълумотлари
базасини шакллантириш хизмати»
бош мутахассиси



The article presents information of history and activities of the Centre by Brothers Grimm at Humboldt University.

2012 йил ноябрь ойида уюштирилган Ўзбекистон кутубхона ходимларининг Германия давлати кутубхоналарига хизмат сафари гуруҳида бўлиш бахти менга ҳам насиб қилди. Хизмат сафаридоги асосий мақсадимиз - Германия давлати йирик кутубхоналарининг иш фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш ва албатта ўзимизнинг фаолиятимизда қўллашдан иборат эди. Биз ташриф буюрган муассасалардан бири бўлган Гумбольдт номидаги Берлин университети ва унинг қошида фаолият юритувчи ака-ука Гриммлар Маркази тўғрисида маълумот бермоқчиман.

Гумбольдт номидаги Берлин университети (Humboldt-Universität zu Berlin) биноси 1748-53 йилларда архитектор И. Боуманнинг лойиҳаси асосида қурилган. У дастлаб тарихдан маълум бўлган шахзода Генрихнинг қасри ҳисобланган. Университет дипломат ва тилшунос Вильгельм фон Гумбольдт (очишлишининг дастлабки йилларида университет раҳбари бўлган), олимлар Иоганн Готлиб Фихте ва Фридрих Шлейермахерлар ташаббуси билан 1810 йили очилган. 1828 йилдан университет расман Пруссия қироли

Фридрих Вильгельм III номи билан аталган. 1816 йили Фридрих Вильгельм III томонидан бу илмий марказнинг университет мақоми тамомила тасдиқланган. Университетга асос солинган йили атиги 247 талаба таҳсил олган, уларга 58 нафар ўқитувчи дарс берган. Жуда тез вақт ичида бу университет Германиянинг энг нуфузли масканига айланган. Бу йилларда университетда 7 та факультет, айнан: юридик, фалсафа, теология, қишлоқ хўжалиги, тиш даволовчи врач факультети, тиббиёт ва фармацевтика факультетлари мавжуд бўлган. 1887 йили шарқ тиллари бўлими очилган.

Университетнинг биринчи ректори - Теодор Шмальц. Ҳақон даврларда университетнинг асосий концепцияси - тадқиқотчилик ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган янги таълим тизимини киритишдан иборат бўлган. Университетга кўпгина йирик илмий-тадқиқот институтлари бирлаштирилган, ҳаттоки Потсдам астрономия обсерваторияси ҳам қўшилган. Дунё илмларининг ривожланишига ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшган олимлар ўзларининг фаолиятини Гумбольдт номидаги университет билан боғлашган. Булар Ф. Бопп, ака-ука Гриммлар, Г. Гегель, Фихте, физиклар Г. Кирхгоф ва Г. Гельмгольц, тарихчи Т. Моммзен, Б. Нибур, патологоанатом Р. Вирховалардир. Берлин университети лабораторияларида Эйнштейн, Шрёдингер ва Планклар фаолият кўрсатишган. Университетни 29 нафар Нобель мукофоти лауреатларитамолашган.

1913-1920 йилларда университет биноси қайта қурилган ва кенгайтирилган. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин университетнинг зарар кўрган бинолари реставрация қилиниб, тарихий қиёфаси тикланган ва 1946 йилда қайта очилган. 1949 йилга келиб Берлин университети Германиядаги энг йирик университетга айланди ва ўзининг асосчиси шарафига Гумбольдт номидаги Берлин университети деб атала бошланган.

Университетнинг оригинал номи - Humboldt-Universität zu Berlin. Халқаро номи - Humboldt



University of Berlin. Университетнинг бош биноси Берлиннинг қоқ марказида Унтер-ден-Линден кучасида жойлашган.

1990 йилгача университетда 150 мингга яқин талаба таҳсил олган. Бугунги кунда университетда 40 мингга яқин талаба таҳсил олади (шулардан 5 мингга яқини хорижлик талабалар).

Ҳозирги кунда Берлин университетиде таълим олиш жуда нуфузли ҳисобланади ва кириш учун танлов жуда юқори. Университет 11 та факультет ва бир қатор илмий институтлардан ташкил топган.

2006 йилдан бошлаб университет таълим олишнинг онлайн шаклини жорий қилган.

Университет 170 дан ортиқ илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Гумбольдт номидаги Берлин университет кутубхонасига 1832 йил асос солинган, аммо 1910 йилдан ўзининг биносига эга бўлмаган. 1945-1989 йиллар оралиғида кутубхонада хизмат кўрсатиш соҳасида марказлаштириш ва координация қилиш ишлари жадал олиб борилган.

1990 йил Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси қайта қўшилгандан кейин университет кутубхонаси тарихида янгиланишлар бошланди. Янги замонавий компьютер тизими ва оммавий ахборотнинг янги турлари жорий қилинган. Каталог карточкалари бекор қилинган ва унинг ўрнига онлайн-каталогдан фойдаланиш бошланган.

2009 йил 19 ноябрда университет ташкил



Поғона-поғона жойлаштирилган ўқув залларининг куралиши

қилинганлигининг 200 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар арафасида Гумбольдт номидаги Берлин университетиде янги марказий кутубхона очилади. Ака-ука Якоб ва Вильгельм Гриммлар шарафига номланган бу бино университет ҳудудида жойлашган. Швейцариялик архитектор Макс Дудлер томонидан лойиҳалаштирилган кутубхонанинг янги биноси ажойиб тарзда функционал, шаҳарсозлик ва эстетик талабларга жавоб беради. Бино архитектураси бир неча бор нуфузли мукофотларни олишга мушарраф бўлган. Булар: 2010 йили шаҳарсозликни талқин қилиш бўйича энг яхши “Ника” архитектура мукофоти, шунингдек, мислсиз архитектура ютуқлари учун бериладиган “Берлин архитектура мукофотлари-2009” дир. Бино олд томонидаги қатъий классик модерн услубида яратилган турли ўлчамдаги деразалар диққатга сазовор.

Якоб ва Вильгельм Гриммлар Маркази интеръери ҳам эътиборга лойиқ. Марказий залдаги китоблар бевосита очиқ фойдаланиш учун қулай тартибда жойлаштирилган.

Поғона-поғона бўлиб турадиган баландликларда (терраса) китобхонлар учун ўринлар жойлаштирилган.

Унинг тагида эса компьютерлар билан жиҳозланган ўринлар жойлашган. Қарама-қарши узоқликда жойлашган ўқиш залида, бишонинг чекка қисмида Берлин манзараси куринадиган “оролча-ўқиш заллари” махсус жиҳозланган.

Университет кутубхонасида қуйидаги электрон каталоглар мавжуд:

- Университет кутубхонаси каталоглари;
- Гумбольдт университетиде яратилган каталог ва маълумотлар базалари;
- Берлин ва Бранденбург ҳудудлари кутубхоналари каталоглари;
- Миллий ва халқаро кутубхона каталоглари ва маълумотнома китоблари.

Университет кутубхонасида Primus қидирув интерфeyсидан кенг фойдаланилади. Primus орқали бир йилда 8 миллион қидирув амалга оширилган. Буларни ичига 6 млн. босма китоб ва журналлар, 200 000 электрон китоблар, 16 000 электрон журналлар,



Ака ука Гриммлар

шунингдек, 200 та маълумотлар базалари киради. Қидирувнинг замонавий технологиялари билан таъминланган Primus орқали китобларнинг тулиқ матнини тез ва қулай топиш мумкин. Қидирув ўз ичига машҳур онлайн-каталогларнинг заҳираларини, электрон ва босма нашрларни ҳам олади. Қидирув Регенсбург (РВК) классификацияси орқали амалга оширилади. Регенсбург классификацияси илмий кутубхоналар учун яратилган тизим ҳисобланади. Классификация 1960 йили Регенсбург университети кутубхонасида тузилган. Тизим бир нечта кутубхоналарнинг маълумотларини ўзида бирлаштиради. Германия, Австрия, Италия ва Швейцария давлатларининг 130 дан ортиқ кутубхоналари ва муассасалари ушбу тизимни ривожлантириш ва қўллаш билан биргаликда ягона каталоглаштириш тизимини олиб боришади. Регенсбург университети кутубхонаси ташкилий ва техник масалаларга масъул ҳисобланади.

Интерактив каталог (онлайн каталог) да босма нашрларда чоп этилган монография ва журналлар, шунингдек, анъанавий (эски) онлайн-каталог маълумотларини топиш мумкин.

Анъанавий каталоглардан интернет-каталогдан топилмаган эски маълумотларни қидириш мумкин.

Тарихий махсус каталогларда кутубхонанинг тарихий ва махсус фондлари обзорини топиш мумкин.

Е-китоблар/электрон китоблар Primus қидирув порталига бириктирилган, шунингдек, унинг ноширлари билан ҳам алоқа ўрнатилган. Гумбольдт университети кутубхонаси ўзининг фойдаланувчиларига илмий мазмундаги электрон китоблардан шахсан фойдаланиш имконини беради. Лицензияланган маълумотларни бошқа шахсларга бутунлай ёки қисман фойдаланишга бериш, рақамли қўринишда масофадан узатиш ёки аналог (анъанавий) қўринишда (масалан, ҳужжатнинг нусхаси) узатилишига йўл қўйилмайди. Лицензияланган маълумотларни яхлит ёки қисман тарқатилишига (Интернет орқали) ва сотилишига (тижорат ёки бепул бўлишидан қатъий назар) йўл қўйилмайди. Автоматлаштирилган индекслаш тизимларини ишлатиш, сканерлаш, кўчириб олиш мумкин эмас.

CD-ROM-сервер каталоги университет кутубхонаси CD-ROM ва DVD ларнинг алифбо тартибидаги мавзули обзори рўйхатини тақдим этади.

Журналлар обзорларида университетнинг босма журналлари тўғрисида маълумот олиш мумкин (Primus қидирув порталида берилган босма ва электрон журналлар маълумотлар базасини топиш мумкин (ZDB)). Берлин университети электрон журналларини EZB журналлар электрон кутубхонасидан топиш мумкин.

Талабалар учун 22 000 м² майдонда 1250 ишчи ўрин мўлжалланган. Бу ерда ижтимоий фанлар, маданиятшунослик ва иқтисод каби соҳа

адабиётларини тақдим қилувчи 12 та соҳавий ва ихтисослаштирилган кутубхоналар мавжуд.

Берлин университети кутубхонаси оммавий илмий кутубхона ҳисобланади. Кутубхонага Германияда истиқомат қиладиган 16 ёшга тулган ҳар бир фуқаро аъзо бўлиши мумкин. Аъзо бўлиш автоматик равишда амалга оширилади. Тизимга керакли маълумотлар киритилгандан сўнг бир неча дақиқа ичида регистрация қилинган кутубхона фойдалувчиси идентификация картасига эга бўлади. Китобхон билети муддати бир йил ҳисобланади, картани янгилаш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилиш зарур. Балоғат ёшига етмаган китобхонлар ота-она розилиги билан рўйхатдан утишади. Хизмат курсатишнинг барча жойларида рўйхатдан утиш имконияти мавжуд.

Университет кутубхонасида рўйхатга олинган фойланувчилар сони 70 000 яқинни ташкил қилади. Бир кунлик қатнов 10 000 ташкил қилади.

Кутубхона ўзида 2 млн. дан ортиқ немис тилидаги адабиётлар жамланмасини тўплаган. Кутубхона фонди таркиби жуда бой бўлиб, санъат асарлари намуналари яъни XIX, XX, XXI аср машҳур ҳайкаллари, инсталляциялари, картиналари, расмлари ва гравюралари, университет белгилари, медаллари, шунингдек, Берлин университетида ишлаган, ўзининг фаолияти билан муҳим таъсир кўрсатган профессорлар, рассомлар ва бошқа аъзоларининг бадий портретлари йирик коллекцияси (жамланмаси), бадий асарлари ҳам мавжуд.

Кутубхонада Гумбольдтнинг кичик галереяси фаолият юритади. У ерда мунтазам кўргазмалар ўтказилиб турилади ва у университет куратори *Ўқиш заллари қўриниши* томонидан қўриқланади. Галерея 30 йиллик тарихга эга.

Якоб ва Вильгельм Гриммлар Марказида маърузалар, учрашувлар, конференция, қабуллар ва бошқа тадбирлар ўтказилиши учун аудитория ҳам фаолият юритади. Кутубхонанинг ўқув залларидан фойдаланишда қоидаларга қатъий риоя қилиш зарур.



Ўқув зали



Электрон каталоглардан буюртма бериш

Ўқув зали раҳбарининг консультациясидан кейингина адабиётни қисман сканер қилиш имконияти берилади. Маълумотларни сақлаш қурилмасини (USB FlashDrive) фақат тўлов картасини тўлдиргандан кейин ишлатиш мумкин. Махсус коллекциялардан ва нодир китоблардан ўзлари билан олиб келинган оқ қўлқоплар билан фойдаланишга берилади.

Кутубхонада халқаро кутубхоналараро абонемент фаолият курсатади. Бу ерда Марказий кутубхона ва кутубхона филиаллари фондида мавжуд бўлмаган адабиётларни Германиянинг бошқа кутубхоналари ва хориж давлатлари кутубхоналаридан буюртма қилиш мумкин. Гумбольдт университети кутубхонасига аъзо бўлган ҳар бир фойдаланувчи кутубхоналараро абонементдан (фақат Интернет орқали) фойдаланиши мумкин. Буларни амалга оширишда 1,50 евро тўлов пули талаб қилинади. Хужжатларни етказилиши бир неча кунни ташкил қилиши мумкин. Электрон кўринишдаги маълумотни электрон почта орқали, босма нашрларни бевосита уйга ёки иш жойига буюртма бериш мумкин. Бунда фақат мувофиқ хизматлар рўйхатидан ўтиш ва фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига амал қилиш зарур. Университет кутубхонаси компьютер тармоқлари (маълумотларни узатиш тармоқлари) локал тармоқлар ((LAN) ва қисмларга ажратилган, шунингдек, ҳудудий ва миллий компьютер тармоқларига ҳам уланиш имкони бор. У пассив (кабель узатиш) ва фаол (алоқа ускуналари) тармоқ технологияларидан ташкил топган.

Кутубхона бир қатор муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Шулардан:

- Friedrich-Althoff консорциуми - Берлин ва Бранденбург ерларининг илмий кутубхоналари бирлашмаси электрон нашрлари жамланган;
- Гендер тадқиқотлари Маркази;
- Берлин-Бранденбург (КОВВ) кооператив кутубхона тармоғи;
- Шарите Марказий Тиббиёт кутубхонаси;
- Немис этнология жамияти (DGV) ва бошқалар.

Шу тарзда, ушбу кутубхона Германиянинг энг йирик очиқ кутубхоналаридан бири саналади.

Хулоса қилиб айтишим мумкинки, кутубхона иш фаолияти тўлиқ автоматлаштирилганлиги билан ажралиб турибди. Шунингдек, фойдаланувчиларнинг

китоб ўқиш маданиятини ҳам алоҳида айтиб ўтишим керак. Фойдаланувчиларни жалб қилиш учун кутубхоналарнинг маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган. Масалан, тарқатма материалларга бой ахборот бурчакларини айтиш мумкин.

Кутубхона илғор ахборот технологияларидан фойдаланиши билан бир қаторда ҳар бир фойдаланувчи ўзи мустақил ахборот қидириши эътиборга лойиқ. Бу ерда албатта, ҳар бир ускунага бириктирилган фойдаланиш йўриқномалари фойдаланувчи учун жуда қулайлик яратади. Шунингдек, олдиндан адабиётга буюртма бериш, брон қилиш (электрон почта орқали) ва ундан фойдаланиш каби пуллик хизматлар яхши йўлга қўйилган.

Яна бир эътиборга лойиқ томони шундаки, Германия давлати кутубхоналари, муассаса ва ташкилотлари муайян шиор остида иш фаолиятини олиб бориши эътиборимни тортди ва ушбу услубни ўз иш фаолиятимда қўллашни мақсад қилиб қўйдим.

Республикамизда ҳам ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги 381-сон Президент Қароридан кейин соҳада туб ислохотлар даври бошланди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси замонавий, мухташам бинога эга бўлди. Миллий кутубхона мамлакатимизда миллий ва жаҳон маданиятини, фан ва таълимни ривожлантириш йўлида ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи универсал ахборот-кутубхона муассасаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1729-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 апрелдаги 98-сонли қарорлари талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида кутубхона замонавий юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ахборотлар олишнинг манбаи, шакл ва методларини танлаш имкониятини таъминлаш тамойили асосида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар ва кенг ахборот-ресурслари базасини яратмоқда.

Шундай экан, менинг ҳам асосий мақсадим, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини тез англаш, тезкор ва юқори сифатли ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, хорижий кутубхоналар иш фаолиятини урганган ҳолда мутахассислигим бўйича мунтазам малакамни ошириш, фойдаланувчиларга кўрсатиладиган ахборот-кутубхона хизматлари сифатини оширишда ўз ҳиссамни қўшиш деб биламан.